



O'ZBEKISTON O'VOZI


• 2013-yil, 19-sentabr. Payshanba • 113 (31.703)

Ijtimoiy-siyosiy gazeta

• 1918-yil 21-iyundan chiqa boshlagan

• www.uzbekistonovozi.uz

*Қадр-қимматим, таянчим ва
ифтихоримсан, мустақил Ўзбекистон!*



БУХОРОДАГИ БУЮК БУНЁДКОРЛИКЛАР

туфайли қадим замин ўзгача чирой очиб,
одамлар турмуши фаровонлашиб бормоқда

➤ Мустақиллик кишиларнинг онгу-тафаккури, дунёқараши, ҳаёт-га муносабатини тубдан ўзгартиргани, янгиланаётган тафаккур билан қилинаётган фидойи меҳнат юксак самаралар бераётганини бугун Бухорода бўлган киши юрак-юракдан ҳис қилади. Боқий шаҳар — Бухоро бўйлаб сайр қилсангиз, кенг ва раво кўчалар, ўзига хос меъморий кўринишга эга кўп қаватли турар-жой бинолари, замонавий хизмат кўрсатиш шохобчаларини кўриб, кўнглингиз ёришади, халқимизнинг тарихий буюк бунёдкорлик салоҳияти Мустақиллик шарофати билан янада юксалганига амин бўлиб, қалбингиз фахр-ифтихорга тўлади.

(Давоми 2-бетда.)

АЛИШЕР НАВОЙИ ЖАҲОН ШОИРИ

Буюк бобомизнинг шеърлари дунёнинг
кўплаб тилларига таржима қилинган.
Унинг ижод намуналари яқинда
поляк тилида ҳам нашр этилди.

ЭЪТИРОФ



Бу тарихий ҳақиқат эканини ҳаётнинг ўзи қайта-қайта исботламоқда. Мамлакатимиз мустақиллигининг 22 йиллик байрами арафасида Польшада Алишер Навоийнинг шеърлар тўплами поляк тилида чоп этилди. Мазкур китобнинг биринчи нусхаси таржимон Я. Кжижовский илтимосига кўра, Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон Миллий кутубхонасига юборилди.

Алишер Навоий ҳазратлари ижоди намуналари жамланган ушбу китоб Польша давлат кутубхонасининг каталогига ҳам киритилди. Таниқли таржимон Я. Кжижовский Польша тиббиёт академияси ва Варшава университетининг фалсафа факультетини битирган. Берлиндаги Гумбольдт университетидо докторлик илмий даражасини олган. Айни пайтда у Заҳриддин Муҳаммад Бобур асарларини поляк тилига ўғириш устида иш олиб бормоқда.

Темур АБЗАМ

2013 йил — 70 йил
100 йил — 100 йил
100 йил — 100 йил

70 ТА ХОНАДОНДА ҳовли тўйлари ўтказилди

➤ Мамлакатимизнинг олис ҳудудларида ҳам кенг қўлмалли бунёдкорлик ишлари изчил давом этмоқда. Бу эса аҳоли турмуш фаровонлигини яхшилаш, уларга қулай шарт-шароит яратиш ва бандликни таъминлашда муҳим аҳамиятга эга.

Музработ Сурхон воҳасининг чекка ҳудудларидан бири ҳисобланади. Мустақиллик шарофати билан туман янгича қиёфа касб этди. Масалан, ўтган тўрт йил давомида қишлоқларда намунавий лойиҳа асосида 300 дан зиёд уй-жой қурилиб, фойдаланишга топширилган бўлса, яқинда «Халқобод» қишлоғида яна 70 та хонадонда уй тўйлари бўлиб ўтди.

— Замонавий, кўркам уйлар халқимизга ажойиб тўх-фа бўлди, — дейди туман ҳокимлиги маъсул ходими, ЎзХДП аъзоси Панжи Норматов. — Улар узлуксиз электр энергияси, табиий газ ва ичимлик суви билан таъминланган. Ҳудудда турли савдо ва маиший хизмат кўрсатиш шохобчалари ишлаб турибди. Жорий йилнинг охирига қадар яна 45 та ана шундай хонадонлар ўз эгаларига топширилиши кўзда тутилган.

Абдумалик ҲАЙДАРОВ,
«Ўзбекистон овози» мухбири.

НАМАНГАНДА ЙИЛИГА 10 МИЛЛИОН ДОНА

пишиқ гишт ишлаб чиқариш қувватига эга
бўлган корхона фаолият бошлади

➤ — Хитойлик ҳамкорларимиз корхонамизга 300 минг АҚШ долларидан ортиқ сармоя киритди, — дейди «Зиё Нур Моҳинабону» МЧЖ раҳбари Авазхон Самиев.

— Бугунги кунда замонавий дастгоҳлар ўрнатилиб, ишлаб чиқаришни модернизация қилиш ишлари давом эттирилмоқда. Ҳозирда маҳаллий ёшларнинг 20 нафари иш билан таъминланди. Йил якунига қадар яна 25 та янги иш ўрни яратишни режалаштирганмиз.

Нодира ЗОҲИДОВА

КЕЛГУСИ СОНЛАРДА

Сиёсий партиянинг жамиятдаги мавқеини янада ошириш, электорат манфаатларини самарали ҳимоя қилишда бошланғич партия ташкилотлари муҳим ўрин тутди. Шу боис ЎзХДП қўйи ташкилотлар ишини такомиллаштириш, аъзоларнинг сиёсий-ҳуқуқий маданиятини оширишга жиддий эътибор қаратмоқда.

Маълумки, яқинда партия тизимидаги барча бошланғич ташкилотларда ҳисобот-сайлов йиғилишлари яқунланди. Унга кўра, 2 мингдан ортиқ БПТга ёш, сиёсий жараёнларни чуқур тушунадиган, билимли етакчилар сайланди.

Газетамизнинг келгуси сонларида мазкур ҳисобот-сайлов йиғилишлари яқунларига бағишланган мақолани эълон қиламиз.

Жаҳон шоҳмоти- нинг ўн икки маликаси

Тошкентда FIDE Гран-присининг учинчи босқич баҳсларида ўз маҳоратларини намойиш этмоқда

➔ 4



Ҳалол меҳнат инсонни улуғлайди

Буни «Эл-юрт ҳурмати» ордени соҳиби, ЎзХДП фаоли Эсон Норматов ҳаёти мисолида ҳам кўриш мумкин

➔ 4



«Ўзбекистон овози»
газетаси сайтида ўқинг

Партиянинг
жамоатчилик
қабулхоналари

электорат манфаатини
ҳимоя қилишнинг
самарали механизмига
айланиши керак



www.uzbekistonovozi.uz

«ЎЗБЕКISTON ОВОЗИ» — ХИЛМА-ХИЛ ФИКРЛАР МИНБАРИ,
СИЗНИНГ МИНБАРИНГИЗ!

БУХОРОДАГИ БУЮК БУНЁДКОРЛИКЛАР

туфайли қадим замин ўзгача чирой очиб, одамлар турмуши фаровонлашиб бормоқда



ТУРМУШ ОБОДЛИГИ

Бу қадим замин дуррадгорлик, ёғоч ўймакорлиги, заргарлик, мисгарлик, шунингдек, қорақўл терисини қайта ишлаш бўйича тарихий анъаналарига эга. Сўнгги йилларда Бухорода ипакчилик, қурилиш материаллари sanoati ҳамда коммуникация инфратузилмасини тараққий эттириш, қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари ишлаб чиқариши янада яхшилаш, хизмат кўрсатиш соҳаси ва сайёҳлигини ривожлантиришга алоҳида эътибор қаратиляпти. Бунинг натижасида вилоятнинг иқтисодий-ижтимоий салоҳияти юксалиб бормоқда.

Жорий йилнинг биринчи ярмида вилоятда яппи ҳудудий маҳсулот ҳажми 2622,2 миллиард сўмини, ўтган йилнинг шу даврига нисбатан 109 фоизни ташкил этди. Хусусан, sanoat маҳсулотлари ҳажми 1185,4 миллиард сўмга етди. Халқ истеъмоли моллари ишлаб чиқариш 440,8 миллиард сўмдан иборат бўлди.

— Бу мисоллар вилоятимизнинг иқтисодий кўрсаткичлари йилдан-йилга изчил юксалиб, тараққий этиб бораётганини кўрсатади, — дейди вилоят ҳокимлиги иқтисодиёт бош бошқармаси бошлиғи ўринбосари Ҳаёт Давлатов. — Таъкидлаш жоизки, вилоятнинг ижтимоий-иқтисодий салоҳияти ишлаб чиқариши маҳаллийлаштириш ҳисобига ҳам тобора ўсиб бормоқда.

Президентимизнинг 2011-2013 йилларда sanoat кооперацияси негизига тайёр маҳсулотлар, бутловчи буюмлар ва материаллар ишлаб чиқариши маҳаллийлаштириш ишлари амалга оширилди, қарорига асосан вилоятдаги 11 та корхонадан 14 та лойиҳа бўйича маҳаллийлаштирилган маҳсулот ишлаб чиқариш белгиланган. Жорий йилнинг биринчи ярми йиллигида маҳаллийлаштириш дастурига қиратилган корхоналар томонидан 30,5 миллиард сўмлик маҳаллийлаштирилган маҳсулот ишлаб чиқарилди. Ишлаб чиқарилган маҳсулотнинг 24,9 миллиард сўмлик ички бозорга сотилди ва 736,3 минг долларлик маҳсулот эса экспорт қилинди.

Жорий йилнинг шу даврига қадар 67,8 миллион доллар қийматга тенг 737 та лойиҳа амалга оширилиб, жами 4 мингдан ортиқ иш ўрни яратилди.

— Ҳаммамиз гувоҳи, иштирокчиси бўлиб турибмизки, бугун мам-

(Давоми. Боши 1-бетда.)

лакатимизда барча соҳаларда чуқур ижтимоий-иқтисодий ислохотлар амалга оширилмоқда, — дейди ЎзХДП Бухоро шаҳар кенгаши раиси, халқ депутатлари шаҳар Кенгашидаги депутатлик гуруҳи раҳбари Робия Қазимова. — Буларнинг барчаси замирида халқимизга муносиб турмуш шароити яратиш бериш, юртимизни дунёнинг энг гўзал, энг обод, фаровон мамлакатларидан бирига айлантириш каби азгу мақсад муҳассам.

Айтиш ўринлики, Маҳаллийлаштириш дастурини амалга ошириш орқали вилоятимизда қатор лойиҳалар ҳаётга татбиқ этилиб, янги иш ўринлари яратилаяпти. Бир мисол, экинчи Бухоро шаҳрида «Ливадия Бухара» ҳусусий корхонаси ташкил этилди. Қиймати 135 минг долларга тенг қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини қўриқтиш ускуналарини ишлаб чиқаришга мўлжалланган мазкур лойиҳа орқали 30 га яқин иш ўрни яратилди. Шунингдек, лойиҳа қиймати 95 минг долларлик «Бухара Индия Текстиль» қўшма корхонаси ишга туширилиб, 22 та иш ўрни ташкил этилди. Бу ерда бугун болалар ва аёллар кийими ишлаб чиқарилмоқда. Энг муҳими, шундай янгилашлар орқали вилоят кундан-кун фаровонлашиб, одамлар турмуши обод бўлиб бормоқда.

БУНЁДКОРЛИК ОДИМЛАРИ

Мустақиллик йилларида Бухорода беқиёс бунёдкорлик ишлари амалга оширилди. Янги уй-жойлар қурилди, йўллар кенгайтирилди, кенг қўламли кўламазорлаштириш ишлари амалга оширилди, замонавий ишлаб чиқариш ва хизмат кўрсатиш объектлари барпо этилди.

Мамлакатимиз талаба-ёшларининг анъанавий универсиада муСОБАҚАСИНИНГ жорий йилда Бухорода ўтказилиши муносабати билан шаҳар чиройига чирой қўшилди. 2002 йилда қайта бунёд этилган Бухоро спорт мажмуаси янги-ча қўрилишига эга бўлди. 20 минг томошабинга мўлжалланган спорт мажмуаси тикланди, спортчилар учун барча қўлайликлар яратилди.

Сўнгги йилларда вилоятда «Бухоро» халқро азэрпортининг янги терминали, вилоят перинатал маркази, қатор ўқув муассасалари ва ташкилотларнинг замонавий бинолари, миллийлик ҳамда замонавийлик уйғунлашган меҳмонхоналар, хизмат кўрсатиш ва сервис шохобчалари қурилди. Бухоро шаҳридаги Марказий деҳқон бо-

зори қайтадан барпо этилди. Масжиди Калон, Чорбақр, Арк қалъаси каби қатор обидалар таъмирланиб, уларнинг тарихий қиёфаси тикланди. БевоСИТА Президентимиз ташаббуси билан Абдухалиқ Гиждувоний, Баҳруддин Нақшбанд зиёратгоҳлари обод этилди.

— Замонавий уй-жой қуриш, қишлоқлар қиёфасини ўзгартириш, олис ҳудудларда яшовчи кишилар шароитини яхшилаш бўйича амалга оширилаётган ислохотлар ўз самарасини бераёпти, — дейди ЎзХДП Бухоро вилоят кенгаши раиси ўринбосари Баҳриддин Мухитдинов. — Қишлоқ аҳолиси турмуш шароитини яхшилаш ва обод қилиш бўйича давлат дастури асосида қилинаётган ишлар кишиларнинг ҳаёт тарзи, дунёқарашини тубдан ўзгартирмоқда. Утган йили вилоятда миллий ва замонавий меъморчилик анъаналарини муҳассамлаштирган 630 та намунавий лойиҳа асосидаги уй-жойлар қурилиб, фойдаланишга топширилган бўлса, жорий йилда 33 та аҳоли пунктида яна 730 та оилага мўлжалланган ана шундай турар-жойлар барпо этиляпти. Қувонарлиси, қишлоқ жойларда янги уй-жой массивлари қурилиши натижасида қўлаб оилаларнинг замонавий, барча қўлайликларга эга уй тўғрисидаги орзуси ушалди. Минглаб ватандошларимизнинг турмуш тарзи, тафаккури ўзгариб бормоқда. Одамлар борган сари обод, гўзал жойлар, муносиб шароитларда яшашга интиломоқда.

ТАЪЛИМГА ЭЪТИБОР — КЕЛАЖАККА ЭЪТИБОР

Бугун вилоятда 954 та таълим муассасаси фаолият кўрсатаёпти. 534 та умумтаълим мактаби, 345 та мактабгача таълим муассасаси, 14 та «Баркамол авлод» болалар маркази, 40 та болалар ва ўсмирлар спорт мактаби, 19 та мусиқа ва санъат мактаби шулар жумласидандир. Айни кунда 411 та мактаб замонавий компьютерлар билан таъминланган. Мазкур таълим муассасаларининг барчаси «ZiyoNet» ахборот тармоғи орқали Интернет тизимига уланган.

Жорий йилда вилоятдаги 25 та таълим муассасасида янги ўқув бинолари қурилиб, 10 та таълим муассасасида капитал таъмирлаш ишлари амалга оширилмоқда. Жумладан, «Болалар спортини ривожлантириш жағмағмаси» маблаглари ҳисобидан 5 та янги типдаги спорт зали, 1 та ёпик сув ҳавзи, 3 та мусиқа ва санъат мактабини қуриш ишлари олиб борилмоқда.

Энг муҳими, таълим соҳасига кўрсатилаётган ғамхўрлик, эътибор самараси кўпчиликини қувонтирмоқда. Кимё фани бўйича 47-халқаро Менделеев олимпиадаси бронза медаллари совриндорлари Азиз Ҳамроқулов, Суннат Фазлиев, Рустам Ҳамроқулов каби бухоролик ёшларнинг ютуқлари бунинг яққол далилидир. Спорт соҳасида бухоролик ёшлар эришаётган ғалабалар тўғрисида ҳам қўлаб мисоллар келтириш мумкин.

— Лицейимизда 800 нафарга яқин ўқувчи таълим олади, — дейди Бухоро давлат тиббиёт институти қошидаги 2-сон Гиждувон академик лицейи директори, халқ депутатлари вилоят Кенгашидаги ЎзХДП депутатлик гуруҳи аъзоси Зебо Абдуллаева. — Уларнинг замонавий билимга эга бўлиши, чет тилларни пухта ўрганиши учун барча шароит яратилган. Яқинда ли-

цейимизда инглиз тилини ўқитиш бўйича 2 та компьютерлаштирилган махсус синф ташкил этилди.

АҲОЛИ САЛОМАТЛИГИ ЙЎЛИДА

Айни кунда Бухоро вилотида 467 та тиббиёт муассасаси фаолият кўрсатмоқда. Улар 23 та шаҳар ва туман кўп тармоқли марказий поликлиника, 11 та стоматологик поликлиника, 342 та қишлоқ врачлик пункти, 33 та шифохона, 13 та тез тиббий ёрдам бўлими, диагностика, она ва бола скрининг ва перинатал марказларидан иборат. Сўнгги йилларда тиббиёт соҳасининг моддий-техник базасини мустаҳкамлаш, фуқаролар соғлигини таъминлаш бўйича улкан ишлар олиб борилди. Она ва бола перинатал ҳамда скрининг маркази бинолари жаҳон андозаларига мос тарзда қуриб, фойдаланишга топширилди, қишлоқ врачлик пунктларининг моддий-техник базаси яхшиланди.

— Жорий йилда Инвестиция дастури бўйича вилоятдаги даволаш муассасаларининг қурилиш-монтаж ишлари учун 14 миллиард 699 миллион сўм маблаг ажратилган, — дейди вилоят Соғлиқни сақлаш бошқармаси бошлиғи Икром Амонов. — Бу орқали Пешку, Жондор тумани, Бухоро шаҳар тиббиёт бирлашмалари, вилоят кўп тармоқли тиббиёт марказининг 120 ўринли хирургия, вилоят болалар кўп тармоқли тиббиёт марказининг реанимация бўлими, вилоят онкология диспансерининг радиологик бўлими биноларидан қурилиш-монтаж ишлари олиб борилмоқда.

— Аҳоли саломатлигини муҳофаза қилиш, бу борадаги ишларнинг самарадорлигини оширишда ЎзХДП ташкилотларининг иштироки ўзига хос ўрин тутмоқда, — дейди вилоят Соғлиқни сақлаш бошқармаси бош мутахассиси, ЎзХДП аъзоси Маъмура Сафоева. — Президентимизнинг 2009 йил 1 июлдаги 2009-2013 йилларда аҳолининг репродуктив

салоМАТЛИгини мустаҳкамлаш, соғлом бола туғилиши, жисмоний ва баркамол авлодни вояга етказиш борасидаги ишларни янада қўлайитириш ва самарадорлигини ошириш Дастури тўғрисидаги қарори ижросини таъминлаш аҳоли саломатлигини мустаҳкамлашда муҳим аҳамият касб этмоқда. Яқинда бу қарорнинг Бухоро шаҳрида бажарилиши бўйича Бухоро шаҳар Кенгашидаги ЎзХДП депутатлик гуруҳи томонидан назорат-таҳлил ишлари олиб борилди. Шу асосда сессия муҳокамасига тегишли масала киритилди. Айни пайтда сессияда қабул қилинган қарор ижроси бўйича амалий иш олиб бориляпти. Биз бундан кейин ҳам аҳоли саломатлигини мустаҳкамлаш, соғлом авлодни тарбиялаш ишларига жиддий эътибор қаратамиз.

ЯНГИ ИШ ЎРИНЛАРИ — ИЖТИМОЙ ҲИМОЯ КАФОЛАТИ

2008 йилда бошланган, бугунги кунда тобора чуқурлашиб бораётган жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози дунёнинг ҳатто энг ривожланган мамлакатларида ҳам бир-биридан мураккаб ижтимоий-иқтисодий муаммоларни келтириб чиқармоқда. Ана шундай бир шароитда мамлакатимизда ижтимоий ҳамда иқтисодий соҳаларда ўтказилаётган ислохотлар туфайли аҳоли турмуш даражаси юксалиб бораёпти. Энг муҳими, ҳар йили парламент томонидан тасдиқланадиган махсус дастур асосида минглаб янги иш ўринлари ташкил этилиб, одамларнинг фаровон яшаши учун мустаҳкам кафолат яратилаяпти.

«2013 йилда иш ўринлари ташкил этиш ва аҳоли бандлигини таъминлаш дастури»га асосан Бухоро вилотида 74 мингга яқин янги иш ўрни ташкил этиш белгиланган. Йилнинг биринчи ярми йиллигида 38179 та иш ўрни яратилди. Шундан 10 мингдан ортиғи уй меҳнатининг барча шакллари ташкил этиш ҳисобига очилган бўлса, 2361 таси ишлаб чиқариш, ижтимоий ва бозор инфратузилмасини ривожлантириш ҳамда ишламай турган корхоналар фаолиятини тиклаш ҳисобига ташкил этилди.

— Дастур ижросини таъминлаш партияимиз электорати ҳисобланадиган ижтимоий Ҳимояга муҳтож, иш топишда қийналаётган ва меҳнат бозорига тенг шароитларда рақобатлашишга тайёр бўлмаган

кишилар манфаатига хизмат қилади, — дейди ЎзХДП Бухоро вилоят кенгаши раиси, халқ депутатлари вилоят Кенгашидаги депутатлик гуруҳи раҳбари Саида Жўраева. — Шундан келиб чиқиб, маҳаллий Кенгашлардаги ЎзХДП депутатлик гуруҳлари касб-ҳунар коллежлари битирувчилари учун янги иш жойлари ташкил этиш, жойларда ишлаб чиқариш ва хизмат кўрсатиш тармоқларини, оилавий тадбиркорлик, касаначиликни ривожлантириш бўйича қатор ташаббуслар билан чиқаяпти, бандлик Дастури ижроси бўйича мунтазам мониторинг олиб бормоқда. Бу янги иш ўринлари ташкил этиш ва аҳоли бандлигини таъминлаш бўйича белгиланган вазифалар бажарилишида муҳим аҳамият касб этади, албатта.

НЕФТЧИЛАР ШАҲАРЧАСИ

Қум барханлари ва олис чўл ҳудудида жойлашган Қоровулбозор вилотиининг ижтимоий-иқтисодий тараққиётида ўз ўрнига эга туманлардан ҳисобланади. Бу ерда Бухоро нефтни қайта ишлаш заводи жойлашган. Завод бир йилда 2,5 миллион тонна углеводород хомашёсини қайта ишлаш қувватига эга. Унинг автобензин, авиакеросин, дизель ёқилғиси, углеводород эритгичи, мазут, суёлтирилган газ, олтингургут каби маҳсулотлари иқтисодий ривожда муҳим аҳамиятга эга.

2008 йил ноябрь ойидан бошлаб заводда экологик жиҳатдан тоза ва совуқ ҳароратта чидамли дизель ёқилғиси ишлаб чиқариш йўлга қўйилгани яна бир янгилик бўлди. Бундан ташқари, «Боинг» ва «Аэробус» русумли ҳаво лайнерларига мўлжалланган «Джет-А-1» русумли авиация ёқилғиси ишлаб чиқарила бошланди.

— Кейинги йилларда Нефтичилар шаҳарчасида аҳоли яшаш шароитини яхшилаш мақсадида қатор бунёдкорлик ишлари амалга оширилди, — дейди заводнинг техника хавфсизлиги бўйича му-

та бошланғич ташкилотга бирлашган. Халқ депутатлари вилоят Кенгашида 19 нафар, туман ва шаҳар Кенгашларида 104 нафар ЎзХДПдан сайланган депутат фаолият юритиб келаяпти.

Туман, шаҳар ва вилоят Кенгашларидаги ЎзХДП депутатлик гуруҳлари томонидан партия дастури, 2011-2014 йилларга мўлжалланган Ҳаракат дастури асосида электрлот манфаати билан боғлиқ турли масалалар сессиялар, доимий комиссиялар муҳокамасига олиб чиқилмоқда. Хусусан, Бухоро шаҳар, Бухоро, Вобкент, Ромитан ва Шофиркон туманларида ҳудудларни ва соҳаларни ривожлантириш масалалари атрофида таҳлил этилиб, янги иш ўринлари яратиш, ишлаб чиқариш ва хизмат кўрсатишни кенгайтиришга қаратилган қарорлар қабул қилинишига эришилди. 2013 йилнинг биринчи ярми йиллигида халқ депутатлари маҳаллий Кенгашларидаги ЎзХДП депутатлик гуруҳлари томонидан жами 12 та масала депутатлик гуруҳлари йиғилишларида қўрилди, 2 та масала доимий комиссия, 7 та масала шаҳар ва туман Кенгашлари сессияларига олиб чиқилди.

Хусусан, Ромитан туман Кенгаши сессиясига «2013 йилда иш ўринлари ташкил этиш ва аҳоли бандлигини таъминлаш дастури ижроси тўғрисида», Бухоро шаҳар Кенгаши сессиясига 2009-2013 йилларда аҳолининг репродуктив саломатлигини мустаҳкамлаш, соғлом бола туғилиши, баркамол авлодни вояга етказиш борасидаги ишларни янада қўлайитириш ва самарадорлигини ошириш чора-тадбирлари Дастури тўғрисида, Шофиркон туман Кенгаши сессиясига «Туманда 2013 йилда иш ўринлари ташкил этиш ва аҳоли бандлигини таъминлаш манзилли дастурида белгиланган параметрларнинг олти ойлик янқалари ҳамда замонавий инфратузилма ривожланиши ҳисоб-



хандиси, ЎзХДП аъзоси Даврон Музаффаров. — Натижада шаҳарчада замонавий ижтимоий инфратузилма вужудга келди. Бу ерда «Ёшлар маркази» фаолияти йўлга қўйилди. Микроиқлимни юмшатиш ва ишчи-ходимларнинг мароқли ҳордиқ чиқариши учун умумий майдони 12 гектардан иборат сунъий кўл барпо этилди. Шунингдек, шаҳарчада спорт-соғломлаштириш мажмуаси, 320 ўринли замонавий маданият саройи, байрам тадбирлари ўтказишга мўлжалланган концерт зали, барча қўламлиқка эга деҳқон бозори, интернет тармоғига уланган компьютер хоналари ишлаб турибди.

Нефтичилар шаҳарчасида ижтимоий объектлар ва уй-жойлар қурилиши давом этмоқда. Яқинда бу ерда замонавий типдаги ўйингоҳ барпо этиш ҳам кўзда тутиляпти.

— Заводимиз 4 та халқаро стандарт сертификатига эга бўлган Марказий Осиёдаги ягона корхона ҳисобланади, — дейди директор ўринбосари, ЎзХДП бошланғич ташкилот итакчиси Нодир Тешаев. — Айни кунда заводда уч мингдан ортиқ ишчи-ходим меҳнат қилаётган бўлса, 2006 йилдан ҳозирги кунга қадар касаначилик асосида 600 дан ортиқ иш ўрни яратишга муваффақ бўлди. Завад ишчи-ходимларининг 150 нафарга яқини партияимиз аъзоси. Уларни бирлаштирган бошланғич ташкилотимиз партияимиз дастурий мақсадларини амалга ошириш, гоёларини кенг тарғиб қилишга алоҳида аҳамият бериб келаяпти.

ЎЗХДП МУНОСИБ ИШТИРОК ЭТМОҚДА

Бухоро вилотида ЎзХДПнинг 27143 нафар аъзоси бор. Улар 728

бига янги иш ўринлари яратиш тўғрисида», Вобкент туман Кенгаши сессиясига эса туманда болалар спортини ривожлантириш борасида олиб борилаётган ишларнинг ҳолати ва истиқболлари тўғрисидаги масалалар киритилди...

Бухоро вилотиининг бугунги ижтимоий-иқтисодий салоҳияти, соҳаларда қўлга киритилган ютуқлар, бунёдкорлик ишлари билан танишиб бўлгандан сўн Бухоро маданият марказига йўл олди. Президентимиз ташаббуси ва гоёаси асосида бунёд этилган мухташам «Кўна ва боқий Бухоро» монументи олдида невараларини етаклаб юрган онахон диққатимизни тортди.

— Гиждувон туманидаги Карна маҳалласида яшайман, — дейди биз билан суҳбатда 101 ёшли Ҳабиба она Зарипова. — Невараларим билан бу ерга кўп келаман. Йўл-йўлакай қишлоқ ва шаҳарларни томоша қилиб, янги-янги ўзгаришларни кўраман, хурсандлигимдан ўзимга сиймағ кетаман. Шўқриқ, фарзандларимиз ҳеч кимдан кам бўлмай, обод, кўркам жойларда тинч-омон яшаяпти. Ана шундай фазилат, қўл-баракали кунларни кўриш бизга ҳам насиб этди. Бу ишларнинг ҳаммаси халқимиз учун, болаларимиз учун, халқбатта.

Ҳабибахон она Мустақиллигимизнинг 22 йиллик шодёнелари арафасида Президентимиз фармони билан «Шўқрат» медали билан тақдирланди. Онахон Бухородаги ўзгаришлар ҳақида фахрли равишда гапираркан, қўлини дуога очди: Юртимиз тинч, элимиз обод, Юртбошимиз омон бўлсин!

Лазиза ШЕРОВА,
«Ўзбекистон овози»
мухбири.



Носир ҲАЙДРОВ оingan суратлар.

Жиззах:

Вилоятнинг саноат салоҳияти юксалмоқда

ХУДУДИЙ ИСЛОХОТЛАР



Республикаимиз минтақаларида бўлгани каби Жиззах вилоятида ҳам муҳим стратегик дастурлар ишлов чикилиб, етакчи соҳаларни модернизация қилиш, илғор техника ва технологиялар билан жиҳозлаш, замонавий корхоналарни барпо этиш ишлари қизгин бормоқда.

— «2013-2015 йилларда Жиззах вилоятини ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш Дастури»га кўра, ушбу даврда жами 338 та лойиҳани амалга ошириш белгиланган — дейди, **вилоят ҳокимлиги иқтисодийёт бош бошқармаси бошлиғи Тохир АБДУНАЗАРОВ**. — Бунинг учун 711,5 млрд сўмлик инвестиция жалб этилади ва натижада 9488 та янги иш ўрни яратилади. Бу асосан янги ишлаб чиқариш қувватларини ишга тушириш, мавжудларини кенгайтириш, кичик корхона ва микрофирмаларни ташкил қилиш, яқна тартибдаги тадбиркорликни ривожлантириш, уй меҳнати, касаначилик ва оилавий тадбиркорликнинг иқтисодий фойдаланиш, фермер хўжалиқлари, айниқса, паррандачилик, чорвачилик, балиқчиликни ривожлантириш, ишламаётган корхоналар фаолиятини тиклаш ҳисобига яратилади.

Вилоятда иқтисодий ислохотларни жадал давом эттириш бўйича Президентимиз ҳамда ҳукумат томонидан белгиланган устувор вазифаларнинг ижросини тўлақонли таъминлаш юзасидан қўрилаётган чора-тадбирларнинг ижобий натижалари макроиқтисодий кўрсаткичларда ҳам ўз аксини топомоқда. Жорий йилнинг биринчи ярмида ялпи ҳудудий маҳсулот 109,7, саноат маҳсулотлари ишлаб чиқариш 113,9, қишлоқ хўжалиғи ялпи маҳсулоти 106,3, капитал қўйилмалар 123,1, қурилиш ишлари 114,5, чакана товар айланиши 115,0, жами хизматлар 119,2 фоизни, умумий экспорт эса 87,1 фоизни ташкил қилди.

Вилоятда саноат тармогини ривожлантиришга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Ҳозирда мавжуд жами 1307 та

саноат корхонасининг 18 таси йирик, 1289 таси кичик корхона ва микрофирмалардир. Улар асосан қимё, машина-созлик, қурилиш соҳасида, шунингдек, қишлоқ хўжалиғи маҳсулотларини ва табиий ресурсларни қайта ишлаш ҳамда истеъмол моллари ишлаб чиқариш тармоқлари бўйича фаолият юритмоқда. Ишлаб чиқарилган саноат маҳсулотларининг ҳажми 371,4 млрд сўмни ёки ўсиш суръати ўтган йилнинг биринчи ярмига нисбатан 113,9 фоизни ташкил этди. Худди шунингдек, полиграфия саноатида 69,8 фоиз, қимё саноатида 40,8, озиқ-овқат саноатида 28,4, электротехникада 25, металлургия саноатида 18,2, қурилиш материаллари саноатида 12,5, енгил саноатида 7,8, ўрмон ва ёғочсозлик саноатида 2,2 фоизга ўсиш суръатлари таъминланди.

Жорий йилнинг биринчи ярмида 171013,8 млн сўмлик истеъмол маҳсулотлари ишлаб чиқарилди ва бу кўрсаткич ўтган йилнинг шу даврига нисбатан 116,9 фоизни ташкил этди. 98,9 фоиз маҳсулот нодавлат секторлари ҳиссасига тўғри келди. Истеъмол моллари таркибининг 63,9 фоизни озиқ-овқат, 36,1 фоизни эса ноозиқ овқат маҳсулотлари ташкил қилди.

Бу йилги Маҳаллийлаштириш дастуридан ўрин олган «Жиззах аккумулятор заводи», «Сэндвич Панел», «Иморат АДА», «Евроазия Карпет», «Эталон Санзор» корхоналарида маҳаллий хомашё негизда буюмлар ва материаллар ишлаб чиқариш бўйича тегишли лойиҳалар амалга оширилмоқда. Улар томонидан биринчи ярим йилликда 32863,5 млн сўмлик маҳсулот ишлаб чиқарилиб, 20676,7 млн сўмлик маҳ-

комбинатининг Бахмал филиалида қиймати 3,8 миллиард сўмлик, йилга 4000 тонна мева-сабзавотни қайта ишловчи концентрат цехидир. Бу, юзлаб янги иш ўринлари яратилди, деганидир.

Вилоятнинг географик ўзига хосликларини инobatга олиниб, Президентимизнинг «Жиззах» махсус индустриал зонасини барпо этиш тўғрисида»ги Фармонининг қабул қилиниши ҳудудда саноатни ривожлантириш, яъни барқарор иш ўринлари яратилишида алоҳида аҳамият касб этди. Унга кўра, асосий вазифалари ва йўналишлари ички ҳамда ташқи бозорларда рақобатбардош бўлган маҳсулот ишлаб чиқариш бўйича замонавий, юксак технологияли ва инновацион ишлаб чиқаришларни ташкил этишга қаратилган бир қатор лойиҳаларни амалга ошириш кўзда тутилган. Бу эса ҳудудда қўшма корхоналар сонини янада ошириши табиий. Айни пайтда вилоятда хорижий сармоя иштирокидаги корхоналар сони 54 тани ташкил этади. Ўтган даврда Галлаорол туманида «QUTOSH GRANIT», Жиззах шаҳрида «RAINBOW COLOURS FASHION» ва «BASIC CONSTRUCTION PROCESS» каби МЧЖ шаклидаги хорижий инвестиция иштирокидаги корхоналар рўйхатдан ўтказилди.

Биргина 8 та — «Бахмал Голден Аппел», «Престиж дере», «Евроазия Карпет», «Фориш текстиль», «Фориш текстиль групп», «Rustex invest», «Агро Гуму» ва «Эрия пластик» хорижий корхоналар томонидан амалга оширилган маҳсулот экспорти 8340,9 минг долларни ташкил этди. Бу вилоят умумий экспортининг 8,9 фоизни деганидир.

Республикаимиз миқёсида хар йили аънавий тарзда қабул қилинаётган бандлик дастурининг ижросига қаратилган чора-тадбирлар ўз самарасини бермоқда. Жорий йилнинг биринчи ярмида дастурда 21 минг 962 та иш ўрни яратилиш белгиланган эди, амалда 23 минг 698 та янги иш жойи

барпо қилинди. Дастурнинг 2013 йилги режасига мувофиқ, жами 278 та корхонада техник жиҳатдан янгилаш ишларини олиб бориш ва 3604 та янги иш ўринини яратиш кўзда тутилган. Яқинда барпо этилган «JIZZAX PLASTEKS» МЧЖ қўшма корхонаси ҳам шу мақсадга хизмат қилади.

Президентимизнинг «2011-2015 йилларда Ўзбекистон Республикаси саноатини ривожлантиришнинг устувор йўналишлари тўғрисида»ги ҳамда «Тўқимачилик саноати корхоналарини жадал ривожлантириш рағбатлантириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги қарорлари мамлакатимиз енгил саноати тараққиёти учун кенг имкониятлар ашигини очиб берди. Ушбу қарорлар асосида Тошкент шаҳридаги «TARLEPLAST» МЧЖ ҚҚ ва Тошкент вилояти Янгийул туманидаги «PLASTEKS» МЧЖ ҳамкорлигида Жиззахдаги собиқ пайпоқ тўқув фабрикаси қайта ташкил этилиб, «JIZZAX PLASTEKS» МЧЖ қўшма корхонаси барпо этилди.

— Бундан қўзланган асосий мақсад вилоятда пахта толасини қайта ишлашни йўлга қўйиш, аҳоли бандлигини таъминлаш орқали ҳудуд иқтисодий салоҳиятини янада оширишга ҳисса қўшишдир, — дейди **қўшма корхона ижроочи директори Аскаржон ИНОФОМОВ**. — Ушбу лойиҳанинг биринчи босқичи амалга оширилиши натижасида 800 та янги иш ўрни ташкил этилади. Иккинчи босқичи (2013-2015 йиллар)да эса яна 900 дан ортиқ янги иш ўрни барпо этиш режалаштирилган.

Мазкур қўшма корхона биринчи босқичда йилга 12000 тонна пахта хомашёсини қайта ишлаб, 8515 тонна пахта толаси ҳамда 4500 тонна трикотаж матоси ишлаб чиқариш қувватига эга. Тайёр маҳсулотларнинг 100 фоизи экспортга мўлжалланган ва бунинг натижасида республикаимизга четдан йилга 20110000 евро миқдорида валюта кириб келади.

Корхона ҳозирда хорижий корхоналар билан ёрқочер шартномаси имзолаган. Айни пайтда бу ерда 200 нафардан зиёд киши меҳнат қилмоқда, уларнинг қарийб 90 фоизи ёшлардир. Шу босқичда яратилган яна 600 та янги иш ўрнига ҳозирда талабгорлар кўп. Шунинг эътиборлики, иш ўринларининг 60 фоизи хотин-қизлар учун мўлжалланган.

— Президентимиз шу йилнинг июль ойида корхонамизга келганида мен ва ҳамкасбларим билан суҳбатлашди, — дейди **корхона бош технологи Хушнуджон Аширматов**. — У киши келгуси режаларимиз билан қизиқиб, бундай замонавий ишлаб чиқариш корхоналари фақат биз ёшлар учун барпо этилаётганини алоҳида таъкидлади.

Вилоят саноат салоҳиятининг юксалишида, алоҳида хорижий сармоя кириши учун мисли қўрилмаган молиявий-моддий шарт-шароитлар мавжудлиги, қулай инфратузилма муҳити яратилгани муҳим омил бўлмоқда. Дарҳақиқат шундай. Яқиндагина Хитой Халқ Республикаси Раиси Си Цзиньпиннинг давлат ташрифи доирасида «Жиззах» махсус индустриал зонага Хитойдан тўғридан-тўғри инвестицияларни жалб этган ҳолда, қимё, фармацевтика, электр техника, нефть-қимё сингари саноат маҳсулотлари ва истеъмол товарлари ишлаб чиқариш юзасидан янги корхоналар ташкил этиш ҳақида бир қатор битимларнинг имзолангани ҳам бундан далолатдир.

Обиддин МАҲМУДОВ,
«Ўзбекистон овози» махсус мухбири.

Хориж



Энг хавфли ишлардан экан

Бир неча йиллардан бери балиқчилик АҚШда энг хавфли касблардан бири эди. Лекин меҳнат вазирлиги манбаларига асосланиб «Forbes» журнали тузган рейтингга кўра, эндиликда ўрмонларда дархат кесиш хавфлилик нуқтаи назаридан юқори ўринни эгаллаган.

Яъни, 2012 йилда юз берган бахтсиз ҳодисалар оқибатида АҚШда яшовчи 34 минг 50 нафар дархат кесувчидан 62 нафари ҳалок бўлган. Бу рақам 100 минг ишчида 127,8 та ўлим кўрсаткичига тенгдир. Балиқчилик орасида эса бу кўрсаткич 100 мингтага 117 тани ташкил қилган — бир йилда 32 нафар балиқчи ҳаётдан бевақт кўз юмган.


Журнал айнаш шу кўрсаткичларга асосланиб, 10 та энг хавфли касб рўйхатини



эълон қилди. Учувчилар, тунукачилар, пўлат эритувчилар, ахлат йиғувчилар, электриклар, юк ташувчи ҳайдовчилар, отлик чўпонлар, фермерлар ва қурувчилар орасида ўлим билан руборў келиш ҳолатлари кўп содир бўларкан.

Умумий олиб қараганда, ўтган йили турли касб вакиллари орасида натижа ҳолатлар сабабли ўлим билан аяқланган вазиятлар анчага камайган: 2011 йилда 4693 киши иш жараёнида ҳаёт билан видолашган бўлса, ўтган йили бу рақам 4383 тани ташкил этди.

Фруктоза



Глюкозадан «хавфли»роқ

Колорадо университетининг тиббиёт мактаби мутахассислари ўтказган тадқиқот натижалари шундан далолат бермоқдаки, одамларнинг семирishi сабаблари натаида ишлаб чиқариладиган фруктоза билан боғлиқ экан.

Тадқиқот муаллифи Ричард Жонсоннинг айтишича, дейилади «Eurek Alert» нашри хабарига, сичқонларда ўтказилган тажриба шунини кўрсатдики, жигар углеводлардан фруктоза ишлаб чиқараркан, гарчи давлат углевод таркибида глюкоза бўлмаса-да. Қизиқ жиҳати шундаки,

фруктоза ҳам глюкоза сингари қанд моддаси ҳисобланади, лекин фруктозада гликемик индекс жуда пастдир ва бу организм учун хавфсиз эканлигини аниқлатади. Лекин Ричард Жонсон ўтказган тадқиқот эса фруктозанинг ҳам хавфли эканлигини кўрсатди.

Ширин ичимликлар

Солиққа тортилиши мумкин



Мексика ҳукумати ширин газли ичимликларга солиқ жорий этишни мўлжаллаб турибди. Сабаб: мамлакатда қандли диабетга чалинганлар ва ортиқча вазнлилар кўпайиб кетган. Шу пайтгача ортиқча вазнга эга бўлганлар ва семизлар сони бўйича АҚШ биринчи ўринда турган бўлса, бу йилги рейтингда Мексика АҚШни ортда қолдирди.

БМТ маълумотларига кўра, аҳолининг 70 фоизи ортиқча вазнга эга бўлгани ҳолда уларнинг учдан бири қисми семизлик касалига йўлққан. Кейинги 10 йилда болалар орасида ҳам семизлик 8 фоизга ортган.

Sky News телеканали хабарига қараганда, ҳукуматнинг бу қароридан газли, ширин, салқин ичимликлар ишлаб чиқарувчи компаниялар норози. Уларнинг айтишларича, салқин ичимликларга солиқ жорий қилиш билан муаммони бартараф этиш

қийин. Овқатланиш тартиби, қандай ва нимани истеъмол қилиш тўғрисидаги ҳикматларни одамлар онгига синдириш орқалигина самарага эришиш мумкин, дейишмоқда.

Статистик маълумотларда қайд этилишича, Мексика ширин газли ичимликлар истеъмол қилиш бўйича дунёда етакчи мамлакат ҳисобланади: бир киши йил давомида 163 литр шундай ичимлик истеъмол қилади. АҚШда эса бу кўрсаткич киши бошига 118 литрни ташкил қилади. Иқтисодий ҳамдўстлик ташкилотига аъзо 34 та давлат орасида қандли диабетга чалиниши бўйича Мексика биринчи ўринда туради. Аҳолининг 10,8 фоизи шу касалга мубтало бўлган.

Натижалар ва ҳулосалар

Ёмон эмас



Барчамизга яхши маълумки, бугунги кунда кўпгина давлатлар жамоат жойларида сигарет чекишни тақиқлаган ва бу тақиқловлар қабул қилинганга анча йиллар бўлгани боис тақиқловдан қутилган натижаларни сарҳисоб қилиш ва ҳулосалар чиқариш вақти келди.

Кузатувлар ва тадқиқотлар шундан далолат бермоқдаки, натижалар чакки эмас. Бу олимлар томонидан тан олинган ҳақиқат.

Европа мутахассислари ўз тадқиқотлари натижаларини «Circulation» ҳамда «Journal of the American College of Cardiology» тиббий журналларида чоп этдилар. Унда ёзилишича, жамоат жойла-

рида сигарет чекиш ман этилгандан кейинқоқ одамларда юрак хуружлари юз бериши сезиларли даражада камай бошлаган ва бир йилда бу 17 фоизга тушган. Фақат Англиянинг ўзида 70 минг киши чекишни ташлагани учун умрини узайтириш бахтига мўъассар бўлгани ўтказилган тадқиқотларда тасдиқланган.

Айни пайтда эса Европа ва Шимолий Америкада юрак хуружлари учдан бири қисмга камайган.

«Агробанк» кредитлари

янги иш ўринлари яратилишига, одамлар турмуш фаровонлигига хизмат қилмоқда



РЕКЛАМА ЎРНИДА



«Агробанк» очик акциядорлик тижорат банкининг Тошкент вилоят бошқармаси ва жойлардаги 13 та филиали томонидан аграр соҳани тараққий эттириш, деҳқон ва фермер хўжалиқларига чорвачилик, паррандачилик, асаларичилик ҳамда балиқчилик тармогини ривожлантириш учун салмоқли кредит маблағлари ажратилмоқда.

Жорий йилнинг 1 сентябрь ҳолатига кўра, чорвачиликни ривожлантиришга 2 миллиард сўм, балиқчиликка 398 миллион, паррандачиликка 252 миллион ҳамда асаларичилик тармогини ривожлантиришга

40 миллион сўм маблағ йўналтирилди. Бундан ташқари, уларга чопиқ тракторлари, комбайнлар, турли русумдаги қишлоқ хўжалик техникалари сотиб олиши учун 18 миллиард 700 миллион сўм миқдор

да кредит маблағлари ажратилди.

— Мен эрта баҳорда банкнинг Оққўрғон филиалига галла ўриш комбайнини харид қилишим учун кўмак сўраб мурожаат қилган эдим, — дейди **«Озодлик» фермер хўжалиғи раҳбари Исмаиλλα Рустамов**. — Банк ходимлари тез кунда менга кредит беришди. Бунинг натижасида хўжалигимизда яна янги иш ўринлари яратилди.

Шунингдек, вилоятда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантиришга ҳам

катта эътибор берилмоқда. Бугунги кунда замонавий ва рақобатбардош корхоналар ташкил этиб, бозорларимизни сифатли ва арзон маҳсулотлар билан тўлдиряётган, қўллаб иш ўринлари яратяётган ёки шахар ва қишлоқларда турли маиший хизмат кўрсатиш шохобчаларини ишга тушириб, аҳоли бандлигига катта ҳисса қўшаётганлар айнан мана шу соҳа вакиллари. Шунинг учун банкнинг вилоят бошқармаси филиаллари томонидан ҳам бу соҳа ривожини кўриш катта миқдорда кредит маблағлари йўналтирилмоқда. Жорий йилнинг 1 сентябрь ҳолатига кўра, 991 та лойиҳа учун умумий ҳажми 31 миллиард 600 миллион сўм миқдоридаги кредит маблағлари ажратилганлиги бунинг ёрқин тасдиғидир. Бу кредитлар эвазига жойларда 987 та янги иш ўринлари яратилди.

Яна бир гап. Вилоят аҳолисини озиқ-овқат маҳсулотлари ва ноозиқ-овқат товарларига бўлган эътиёбини таъминлаш мақсадида банк томонидан жорий йилнинг ўтган даврида озиқ-овқат маҳсулотлари ишлаб чиқарувчиларга 9 миллиард 100 миллион сўм ҳамда ноозиқ-овқат товарлари ишлаб чиқарувчиларга эса 6 миллиард 500 миллион сўм кредит маблағлари йўналтирилди.

Масалан, банкнинг Янгибозор филиали мижози «Махмудбек» фермер хўжалиғига сут ва сут маҳсулотларини қайта ишлаши учун хориждан асбоб-ускуна харид қилишига 86 миллион сўм миқдорда молиявий кўмак берилди. Бу цех фойдаланишга топширилгач, 12 нафар қишлоқ ёшлари

иш билан таъминланди. Бугунги кунда туман ҳамда пойтахтимиз аҳолисига сут ва сут маҳсулотлари етказиб бериляпти.

— Бу йил мен ҳам «Агробанк»нинг Паркент филиалига ариза билан мурожаат қилган эдим, — дейди «Туронбек Баҳодир Файз» масъулияти чекланган жамияти раҳбари Баҳодир Мирзаев. — Мақсадимиз банк кўмағида кир ювиш қукуни қадоклашни йўлга қўйиш эди. Банк ходимлари бизнес лойиҳамизни қуриб чиқиб, жамиятимиз ҳисоб-рақамига 238 миллион 700 минг сўм миқдорда кредит маблағини ўтказиб берди. Айни пайтда корхонамизда ишлар юришиб кетди. Шунингдек, 10 та янги иш ўрни яратилди.

Бугунги кунда банк томонидан хизмат кўрсатиш ва сервис соҳасини янада ривожлантиришга катта эътибор қаратилмоқда. Хизмат кўрсатиш тизимини янги босқичга кўтариш ҳамда шу орқали қўллаб-қўллаб иш ўринлари яратишни мақсад қилган кичик бизнес субъектлари доимий молиявий қўллаб-қувватлаб келинаёпти. Жумладан, жорий йилнинг 1 сентябрь ҳолатига кўра, 61 та хўжалик юритувчи субъектга жами 1 миллиард 800 миллион сўм миқдорда кредит ажратилди.

Бир сўз билан айтганда, банк кредитлари асосан янги иш ўринлари яратилишига, одамлар турмуш фаровонлигига янада юксалишига хизмат қилмоқда.

Мирзохитёр МИРФАЙЗИЕВ,
«Ўзбекистон овози» мухбири.

Жаҳон шоҳмотининг ўн икки маликаси

Тошкентда FIDE Гран-присининг учинчи босқич баҳсларида ўз маҳоратларини намоиш этишмоқда



Санжар ШОТЎЛДАНОВ олган сурат.

Ўзбекистон Тасвирий санъат галереясида ўтказилаётган ўшбу нуфузли мусобақа Халқаро шоҳмот федерацияси, Ўзбекистон Маданият ва спорт ишлари вазирлиги, Республика шоҳмот федерацияси ҳамда «Ўзбекистон маданияти ва санъати форуми»

жамғармаси ҳамкорлигида ташкил этилмоқда. Олти босқичдан иборат мазкур Гран-при турнирида жаҳоннинг энг сара шоҳмот ustalари қатнашиши кўзда тутилган. Ҳар бир босқичда ўн икки нафардан иштирокчи дона суради. Уларнинг ҳар

бири Гран-при туркумидаги туртадан турнирда ўз омадини синаб кўради. Якунда энг кўп балл жамғарган шоҳмотчи 2015 йилда амалдаги жаҳон чемпиони билан шоҳмот тожи учун ўн партиядан иборат учрашувда баҳс юритиши белгиланган.

Кирсан ИЛЮМЖИНОВ, FIDE президенти: — Ўзбек заминига яна бир бор ташир буюрганимдан мамнунман. Кейинги йилларда Ўзбекистон шоҳмот буйида йирик мусобақаларга мезбонлик қилаётганини алоҳида таъкидлашни истардим. Ўтган йили эркаклар ўртасида FIDE Гран-приси баҳслари

ўтказилган. Аёллар ўртасидаги мусобақаларга ҳам катта ҳозирлик кўрилганлигини шохиди бўлиб турибмиз. Ишонаманки, юртингиз бундан-да нуфузли мусобақаларга мезбонлик қилиш салоҳиятига эга. Бугун дунёнинг етакчи шоҳмот ustalари Ўзбекистонда бўладиган турнирларга ташир буюраётганини ҳам фикрим тасдиқидир.

Нафиса МҲМИНОВА, халқаро гроссмейстер:

— Нуфузи жиҳатидан ўшбу турнир жаҳон чемпионатидан қолдирилади. Мусобақадаги рақибларимнинг ҳар бири катта тажриба ва юксак маҳоратга эга. Турнирнинг Тошкентда ўтказилиши менга катта масъулият юклайди. Иштирокчиларнинг ўйин услубини жиҳдий ва пухта ўрганишга ҳаракат қилдим. Мусобақа олдида мамлакатимиз ва Малайзияда ўтказилган бир қатор турнирларда қатнашдим.

Гран-при босқичида илк мартаба иштирок этилган. Ундаги қатнашчилардан тўрт нафари билан илгари турли мусобақаларда ўйнаганман. Жаҳон ва Европа чемпиони Антуанетта Стефанова билан ўтган уч партияда уч хил натижа — ғалаба, дуранг ва маглубият қайд этилган. Йигир

ма ёшгача қизлар ўртасида ўтказилган жаҳон чемпионати ғолиби Харика Дроновалли, 18 ёшгача қизлар ўртасида жаҳон ва Европа чемпиони Ольга Гирьяларга қарши ўтган учрашувларда дуранг ўйнаганман. Хитойлик Чжао Сюэ ҳам катта маҳоратга эга. Унга қарши кечган партияда имкониятни бой берганман. Кайфиятим аъло даражада. Бу гал ғалаба учун курашаман.

Бела ХОТЕНАШВИЛИ, Жаҳон ва Европа чемпиони совриндори (Грузия): — FIDE Гран-присининг Женева ҳамда Дилижонда ўтган дастлабки икки босқичида қатнашишга муваффақ бўлдим. Дастлабки босқичда 8 очко жамғариб, ғолибликни қўлга киритган бўлсам, Дилижонда кечган баҳсларда сўнгги погонани банд этгандим.

Умумий соврин жамғармаси 60000 еврони ташкил қилувчи мазкур турнирда иштирокчилар бир даврли тизимда жами 11 партияда ўз омадларини синаб кўрадилар. Энг кўп очко жамғарган уч нафар шоҳмотчи ғолиб ва совриндор сифатида ташкилотчилар томонидан тақдирлан

Эркин ХОЛБОБОВ, «Ўзбекистон овози» мухбири.

Кеча ўтказилган дастлабки турда қуйидаги жуфтликлар

Узаро дона сурди:

Элина Даниэля — Александра Костенюк — 0,5:0,5
Хампи Конеру — Цзю Венцзю — 1:0
Катерина Лагно — Ольга Гирья — 0,5:0,5
Антуанетта Стефанова — Гулисхан Нахбаева — 1:0
Харика Дроновалли — Бела Хотенашвили — 1:0
Нафиса Мўминова — Чжао Сюэ — 0:1

«Текстиль милл Тошкент» маҳсулотлари



Суратда: корхона ишчиси Шоҳсанам Қодирова.

Ўрта Чирчиқ туманидаги «Текстиль милл Тошкент» Ўзбекистон — Германия қўшма корхонасида ишлаб чиқарилаётган маҳсулотлар тури элликтага етди. Бу ерда тайёрланаётган эркаклар ва аёллар пайпоқларининг сифати юқорилиги, мавсумбўлиги ва нисбатан арзонлиги кўпчиликлари манзур бўлмоқда.

Отабек МИРСОАТОВ (ЎЗА) олган сурат.



Олтинқўл туманининг Қўмақай қишлоғидаги «Олтинқўл шарбатлари» хусусий корхонасида ўрик, шафтоли, олма сингари 6 турдаги мевалардан шарбатлар тайёрлаш йўлга қўйилди. Натижада, йигирмага яқин ёш ишли бўлди.


ОЛТИНҚЎЛ ШАРБАТЛАРИ

Боғларнинг кенгайиши, хонадонлардаги меваларнинг мўлжалини ҳисобга олган ишбилармон Абду-

ҳалим Сайфуддинов корхона фаолиятини янада кенгайтириш ҳаракатида. Шунда, Олтинқўлда ишлаб чиқарилаётган маҳсулот турлари ҳам кўпаяди, қўшимча иш ўринлари ҳам яратилади.

Аҳмадулла СОЛИЕВ, «Ўзбекистон овози» мухбири.

ТИББИЁТИМИЗ ФИДОЙИЛАРИ



Ҳалол меҳнат инсонни улуғлайди

Бун «Эл-юрт ҳурмати» ордени соҳиби, ЎЗХДП фаоли Эсон Норматов ҳаёти мисолида ҳам кўриш мумкин

Эсон ака Тошкентда тиббиёт институти битириб, ўзи туғилиб ўсган Ғаллаорол туманига ишга келганига қирқ йилдан ошаяпти. Бугун у туман Тиббиёт бирлашмаси Шошилиш тез тиббий ёрдам бўлими мудири, олий тоифали врач. Ўтган йиллар давомида кўп воқеаларни бошидан кечирди, қанчалаб аламли ҳолатларнинг гувоҳи бўлди.

— Бугун тиббиёт масканларида яратилган шароит имкониятларни кўриб фахрланасан киши, — дейди у. — Санокли дақиқалар ичида беморларга ташхис қўйиш имконига эгамиз. Биласизми, мен иш бошлаган етмишинчи йилларда бу ҳақда орзу қилиш ҳам қийин эди. Дардига даво истаб келган кишиларга бир неча кунлар, ҳатто ҳафтала давомида тўғри ташхис қўя олмай қийналардик. Оналар ва болалар ўлими кўп бўларди. Уларга ёрдам беролмаётганимиздан афсусландик. Шифохоналарда шароит оғир эди, замонавий тиббий техник воситалар қайда дейсиз.

Мустақиллик тиббиёт соҳасида ҳам жуда катта имкониятлар эшигини очиб

берди. Юртбошимиз Истиклолнинг дастлабки кунлариданоқ мамлакат соғлиқни сақлаш тизимидаги ислохотларни жадаллаштириш, инсон саломатлиги, баркамол авлоднинг тарбиялашга оид муҳим қарор ва фармонларга имзо қечди. Бунинг самараси бугунги ҳаётимизда яққол намоён бўлмоқда, нуфузли халқаро экспертлар томонидан ҳам эътироф этилмоқда. Эътибор қилинг, юртимизда бир ёшгача бўлган гўдақлар ва оналар ўлими 3 баробардан кўпроқ камайди, аҳолининг ўртача умр кўриш даражаси 7 йилга узайиб, эркаклар ўртасида 73 ёшга, аёллар ўртасида эса 75 ёшга етди. Илгари оддийгина энгил жароҳатларни даволаш учун ту-

ман ёки вилоят марказига боришга тўғри келган бўлса, ҳозирда қишлоқ врачлик пунктларида барча шароитлар бор.

Эсон Норматов яқинда ватанимизнинг юксак мукофоти — «Эл-юрт ҳурмати» ордени билан тақдирланди.

— Бу хабарни илк бор бош шифокоримиздан эшитганимда қаттиқ ҳаяжонга тушдим. Бундай катта мукофот, менимча, ҳар қандай одамни ҳам шошириб қўяди. Аслида бу нафақат мени, балки туманимиз, қолаверса, вилоятимиз соғлиқни сақлаш тизимида меҳнат қилаётган кўп сонли ҳамкасбларимиз меҳнатининг ҳам эътирофи, деб ўйлайман. У барча мизнинг зиммасига катта масъулият юклайди. Энди шу ишончга муносиб бўлиш учун янада кўпроқ ҳаракат қилишимиз керак бўлади.

Иброҳим ЖОНУЗОҚОВ, «Ўзбекистон овози» мухбири.

Суратда: Эсон Норматов ҳамкасблари билан.

Ўзбекистон Республикаси Давлат чегараларини ҳимоя қилувчи қўмитаси

Иш тажрибаси ва ўз моддий-техник базасига эга бўлган барча қурилиш корхоналари, ташкилотларини фуқаролик ва мудофаа иншоотларини капитал қуриш, таъмирлаш ҳамда реконструкция қилишда қатнашиш учун ҳамкорликка таклиф этади.



Ушбу таклифга истак билдирган корхона ва ташкилотлар танлов савдосидаги қурилиш бино-иншоотлар қийматига нисбатан 20 фоиз миқдоридан кам бўлмаган айланма маблағга эга бўлишлари шарт.

Маълумот олиш учун (8-371) 241-41-06 телефони орқали соат 10-00 дан 18-00 га қадар мурожаат қилиш мумкин. Шунингдек, ҳамкорлик қилиш истагида бўлган корхоналар ўз тижорат таклифларини қўйидаги манзилга юборишлари мумкин:

Тошкент шаҳри, Шайхонтоҳур тумани, А.Қодирий кўчаси, 5-«а» уй, факс: 244-31-39.

УЧ ОЛТИН ВА БИР КУМУШ



Шу кунларда Пхеньян (КХДР)да оғир атлетика бўйича ёшлар ва катталар ўртасида Осиё кубоги баҳслари давом этмоқда. Унда мамлакатимиз терма жамоалари тўлиқ таркиб билан қатнашапти.

Мусобақанинг дастлабки кунлари ҳамюртларимиз учун муваффақиятли кечди. Жумладан, ёшлар ўртасида ўз вазн тоифасида Зуфар Қодиров (105 кг) бир йўла учта олтин медалга сазовор бўлди. Умидли ва иқтидорли спортчимиз штангани даст кўтаришда 150, силтаб кўтаришда 180 ва иккикурашнинг умумий натижасига кўра, жами 330 килограмм кўрсаткични қайд этиб, шохсупанинг энг юқори поғонасига кўтарилди.

Яна бир оғир атлетикачимиз Файзулло Набиев (77 кг) эса штангани силтаб кўтариш баҳсларида 161 килограмм кўрсаткич билан мусобақанинг кумуш медалига сазовор бўлди. Мусобақалар давом этмоқда.

Самандар БОБОРАЖАБОВ

ОБ-ҲАВО 19-20 - 09. 2013
Юртимиз бўйлаб (°C)
Қорақалпоғистон Республикаси ва Хоразм вилояти

+10 / +15 +28 / +33

Бухоро ва Навоий вилоятлари

+12 / +17 +28 / +33

Тошкент, Самарқанд, Жиззах ҳамда Сирдарё вилоятлари

+12 / +17 +28 / +33

Қашқадарё ҳамда Сурхондарё вилоятлари

+13 / +18 +30 / +35

Андижон, Наманган ҳамда Фарғона вилоятлари

+12 / +17 +26 / +31

Тошкент шаҳри

+14 / +16 +31 / +33

Дунё бўйлаб (°C)

Лондон +12 / +13

Париж +10 / +11

Москва +12 / +14

Кейптаун +11 / +13

Қоҳира +22 / +24

Гавана +25 / +25

Вашингтон +21 / +22

Ўзбекистон ХДП Тошкент вилоят кенгаши жамоаси Тошкент вилоят партия кенгаши катта референти Илмижаҳон Тлеубергеновага онаси Тлеубика АБДУХАЛИКОВАнинг вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор қилади.

Газетанинг навбатдаги сони 24 сентябрь, сешанба кунни чиқади.

MUASSIS:

Bosh muharrir: Safar OSTONOV

TAHRIR HAY'ATI:

Abdulla ORIPOV

Hotamjon KETMONOV

Ulug'bek VAFOYEV

Rustam KAMILOV

Sharbat ABDULLAYEVA

Murodilla ABDULLAYEV

Ulug'bek MUSTAFOYEV

Muslihiddin

MUHIDDINOV

Ochilboy RAMATOV

Saidahmad RAHIMOV

Farruh HAMROYEV

(Bosh muharrir birinchi o'rinbosari)

Tat'yana KISTANOVA

(Bosh muharrir o'rinbosari)

BO'LIMLAR:

Parlament faoliyati — 233-10-13; Partiya hayoti — 233-10-13;

Madaniyat va ma'naviyat — 233-69-45;

Ijtimoiy hayot va iqtisodiyot — 233-44-55;

Jamoa-hillik bilan aloqalar va huquqiy targ'ibot — 233-12-56;

Sport va vatanparvarlik — 233-44-55;

Reklama va e'lonlar — 233-38-55, 233-47-80; Korihiyat — 233-72-83.

MANZILIMIZ:

100000, Toshkent,

Matbuotchilar

ko'chasi, 32-uy.

Gazeta O'zbekiston Matbuot va axborot

agentligida 0006-raqam bilan

2007-yil 11-yanvarda ro'yxatga olingan.

«Sharq» nashriyot-matbaa aksiyadorlik kompaniyasi boshmaxonasida chop etildi.

Korxonalar manzili: Buyuk Turon ko'chasi, 41-uy.

Gazeta ofset usulida, A-2 formatida bosildi. Hajmi 2 bosma taboq.

Gazeta seshanba, payshanba va shanba

kunlari chiqadi.

«O'zbekiston ovozi» materiallarini

ko'chirib bosish faqat tahririyat

ruxsati bilan amalga oshiriladi.

e-mail: info@uzbekistonovozi.uz

g — 946

10485

nuxxada

bosildi.

Sotuvda erkin narxda

Nashr ko'rsatkichi — 220

t — Tijorat materiallari

O'za yakuni — 20.35

Topshirilgan vaqti — 00.00

Navbatchi:

Temur XUDOYBERDIYEV

Sahifalovchi-dasturchilar:

Sobirjon TUNG'ATOV,

Zafar BAKIROV

ISSN 2010-7633

7220107633006

1 2 3 4